

УДК: 633.11:631.51

БАҲОРГИ БЎҒДОЙНИ ЯНГИ НАВЛАРИНИНГ УРУҒЧИЛИГИ

Бекбанов Бисенбай Аретович

қ.х.ф.н., к.и.х.

Нагиметов Оракбай

қ.х.ф.н., к.и.х. Қорақалпоғистон деҳқончилик ИТИ

КИРИШ

Жаҳон деҳқончилигида буғдой экини етакчи бўлиб, экиладиган майдони ва ялпи хосили буйича биринчи уринни эгаллайди. Кейинги йилларда об-ҳаво ва иқлимни ўзгариб бораётганлиги, республика ҳудудининг тупроқ-иқлим шароитларига мос бошоқли дон экинларини серҳосил, эрта пишар, шўрга, қурғоқчиликка ва касалликларга чидамли, дон сифати юқори бўлган навларни яратишни ва яратилган навларни бирламчи уруғчилик тизимини илмий асосда ташкил этиш орқали, ғалла етиштирувчи хўжаликларни юқори авлодли, сифатли уруғликлар билан таъминлаш борасидаги илмий ишларни изшил давом эттиришни тақозо этади.

Республикаимизнинг ўзгарувчан ва мураккаб тупроқ-иқлим шароитида, маҳаллий шароитларга мос, серҳосил, дон сифати юқори бошоқли дон экинлари навларини уруғчилигини ривожлантириш, бугинги куннинг долзарб масалаларидан бўлиб турибди.

Республикаимиз шароитида яратилган баҳорги юмшоқ буғдой навларининг суперэлита уруғларини, маҳаллий шароитларда етиштиришни тўғри йўлга қўйиш, навларнинг ҳудудий уруғчилик тизими илмий асосда шаклланишида катта қадам бўлади. Янги навларнинг уруғларини нав тозаллиги, биологик ва хўжалик хусусиятларини сақлаб, оммавий кўпайтириш ва хўжаликларни етарли миқдорда юқори сифатли уруғлар билан таъминлаш - уруғчиликнинг асосий вазифасидир.

Ўзбекистоннинг турли тупроқ-иқлим шароитларида ўтказилган илмий тадқиқотларнинг натижаларини кўрсатишича, суғориладиган ерларда баҳорги юмшоқ буғдой навларини экиш муддати тупроқ типига, об-ҳавосига, навларнинг биологик хусусиятларига боғлиқ бўлади [1].

Баҳорги буғдойнинг экиш муддатлари ва меъёрлари, навларнинг биологик хусусиятларига, иқлим шароитига, тупроқ типига ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқ [2].

Экилган уруғнинг йириклиги ва оғирлиги ортиб бориши билан кукариш кучи, усимликнинг шохлаши, баҳувват ва буйдор

ушиши, бошоқ чиқариши ва пишиши уртасида ҳам узаро фойдали алоқа кузатилади [3].

Уруғлик етиштириш учун экиладиган майдонларда экиш нормасини аниқ белгилаш муҳим ҳисобланади. Уларнинг таъкидлашларича, ҳар бир ўсимлик учун 10 кв.см майдон бўлганда уруғликнинг сифат кўрсаткичлари юқори бўлганлиги қайд қилинган [4].

Донинг сифат кўрсаткичларидан бири - оқсил миқдоридир. Буғдой дони таркибидаги оқсил нав хусусиятларига, тупроқ иқлим шароитларига, нам билан таъминланганлигига, ҳамда бошқа бир қатор омилларга боғлиқ ўзгариб тўриши кузатилди. Буғдой навларини суғориш сони ошиши билан сифат кўрсаткичлари ўзгариб бориши аниқланди [5].

Шундай бўлсада, баҳорги юмшоқ буғдой навларини экиш меъёрлари, ҳар бир минтақанинг тупроқ-иқлим шароитини, экиш муддати, навнинг биологик хусусиятларини, ўтмишдошларни ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда аниқланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Утказилган тажрибанинг асосий мақсади, маҳаллий шароитларга мос серҳосил, эрта пишар, кўрғоқчиликка чидамли баҳорги бўғдойнинг “Сауле” навини бирламчи уруғчилик тизимини, маҳаллий шароитларда етиштиришни тўғри йўлга қўйиш ва янги навнинг уруғини нав тозалиги, биологик ва хўжалик хусусиятларини сақлаган ҳолда оммавий равишда купайтириш.

Бирламчи уруғчилик тизимида экилган ойлаларда, дала кўригини ўтказиш натижасида, аралашмалардан тозаланиб, касалланган, зарарланган, ривожланишдан орқада қолган ойлалар чиқитга чиқарилди.

Материаллар ва услублар. 2024 йили баҳорги бўғдойнинг “Сауле” навидан танлаб олинган 1000 та бошоқ, лабораторияда таҳлил қилинди. Танлаб олинган бошоқлар, биринчи йилги авлодларни синаш кучатзорига ҳар бир бошоқ 1ойла этиб экилди.

Фенологик кузатишлар ва биометрик улчовлар, Кишлоқ хўжалик экинларини нав синаш Давлат инспекцияси услуги бўйича ўтказилди [6].

Ўсиш даврида, кўкариб чиқишдан мумсимон пишиб етишгача, хўжалик-қимматли белгилар мажмуасига ега бўлган, енг яхши ойлалар аниқланиб ва баҳоланиб борилди: самарали тупланиш, ётиб қолишга чидамлилик, донни ўниб кетмаслиги, касалликлар ва зараркунандалар билан зарарланмаган, бошоқ типиклиги, ўсимликларнинг ойла ишида бир текислиги, вегетация даврининг давомийлигига кузатувлар олиб борилди. Вегетация даврида икки марта кўрикдан утказилиб, ҳар хил аралашмалардан тозаланди, ҳосил ҳар бир ойла бўйича алоҳида йиғиб олинди, йиғиб олинган ҳосил лабораторияда таҳлил қилиниб, доннинг йириклиги ва шакли бўйича навга хос бўлмаган ойлалар уруғи чиқитга чиқарилди.

Тадқиқот натижалари. Ғаллада асосий хўжалик белги –бу бошоқ узунлиги. Бошоқ қанча узун бўлса, бир бошоқда дон сони ҳам кўп бўлади. Экилган ойлаларни биометрик курсаткичлари бўйича солиштирганимизда, ойлалардаги

Ўсимликларнинг бошоқ узунлиги 7,5 см-дан 8,0 см-гача оралиқда бўлди. Бошоқ узунлиги бўйича юқорги курсаткич 62, 128, 129, 181, 244, 246, 247 ойлаларда кузатилди. Буларнинг бошоқ узунлиги 7.7-8.0 см-ни ташкил этди. Албатта, бошоқ узунлиги ўсимликнинг бўйига ҳам боғлиқ равишда ўзгаради. Масалан, ўсимликнинг бўйи 80,0-85,0 см бўлган 62, 128, 129, 181, 244 ойлаларнинг ўсимликларини бошоқ узунлиги 8,0 см-ни ташкил этганда, бўйи 70,0 - 75,0 см бўлган 8, 124, 185, 250 - ойлалар ўсимликларини бошоқ узунлиги 7.3-7,5 см-ни ташкил этган. Бундан куриниб турибдики, бошоқ узунлиги ўсимликнинг бўйига боғлиқ ҳолда ҳам узгариб боради.

Ойлалардаги ўсимликларнинг пишиш даври, яъни, уруғни экишдан пишпб етилгунча 89-94 кунни ташкил этди, бу - навнинг кута тез пишар эканлигини кўрсатади. Пишиш даври бўйича 9 та ойла 7, 61, 67, 68, 125, 187, 241, 249, ва 250 ойлалар чиқитга чиқарилди, фақат 89-92 кунда пишиб етилган ойлалар сақлаб қолинди.

Галлада 1000 дон дон вазни асосий курсаткич бўлиб, доннинг йириклигини ва ҳосилдорликни номаён қилади. Баҳорги бўғдойнинг “Сауле” навида 1000 дон дон вазни 37.0 -38.3 г. атрофида бўлди. Биринчи йилги ойлаларни синаш кучатзоридаги ҳосилдорлик, ҳар бир ойлада уртача 192,2-198,7 г-ни ташкил этди.

Лаборатория таҳлилидан кейин 5-15 % ойлалар чиқитга чиқарилиб, умумий чиқитга чиқариш миқдори 27 %ни ташкил этди. Чиқитга чиқарилгандан сўнг, енг маҳсулдор ва типик ойлалар иккинчи йилги авлодларни синаш кучатзорида экиш учун қолдирилди

Хулоса. Уруғларнинг ҳосилдорлик хусусияти ёки сифати унинг наводорлигига, экиш сифати ва қўлланилган агротехникага боғлиқ бўлганлиги аниқланди.

Қимматли хўжалик белгиларнинг ўзгарувчанлиги, атроф-муҳит шароитлари таъсирида кескин ўзгарувчан хусусиятларга ега бўлган ойлалар, шу жумладан маҳсулдорлик курсаткичлари бўйича ҳам чиқитга чиқарилди. Экилган ойлаларни 82 таси, яъни 27 % чиқитга чиқарилиб, натижада ойлаларнинг наводорлик даражаси 97.3 % га етказилди. Чиқитга чиқарилмаган ойлалар дони сараланиб, иккинчи йилги авлодларни синаш кучатзорига экиш учун таёрлаб қўйилди.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Абдикаримов Д. Донли экинлар селекцияси ва уруғчилиги. Тошкент, 2010.
2. Курбанов Г.К., Шамсутдинов Ш.И. Донли экинлар уруғчилиги ва уруғшунослиги. Тошкент, 2003.
3. Мирошниченко. Г.И. Семеноводство и семенной контроль. М.: «Колос».
4. Узаков И., Курбанов Ф. Уруғчилик ва уруғшунослик. Т. Мехнат, 2000

5.Бекбанов Б., Нагыметов О., Серимбетов Т. Яровая пшеница на севере Каракалпакстана. Recent scientific discoveries and methodological research. International online conference. 07.02.2025, Ankara, Turkey, pp. 155-158